

Қазо ва қадар ҳақида



23:16 / 02.12.2016 12546

Замон ўтиши билан турли омиллар сабабли исломий тушунчаларга ҳар хил бузуқ фикрлар, бидъат-хурофотлар аралшиб кетгани маълум.

Ўша исломий тушунчалар ичида энг кўп бузилгани, ҳатто тескари маънога айланиб кетай дегани, қазо ва қадар тушунчаси, десак муболаға бўлмас.

Аслида эса, бу ақийда жуда соф ва осон тушуниладиган нарсадир.

Уламоларимиз «қазо» ва «қадар»ни қуйидагича таърифлайдилар:

«Қазо — Аллоҳ таолонинг ҳамма нарсаларнинг келажақда қандоқ бўлишини азаддан билишидир».

«Қадар — ўша нарсаларнинг Аллоҳнинг азалий илмига мувофиқ равишда вужудга келишидир».

Аҳли сунна ва жамоа мазҳабиغا биноан, балоғатга етган мусулмонга Аллоҳ таоло бандаларнинг ҳамма ишини ва махлуқотларга боғлиқ нарсаларни авваддан билишига иймон келтириши вожиб бўлади. Қазо ва қадар ақийдаси Аллоҳга иймон келтириш асосидаги Ислом ақийдаларидан бири ҳисобланади. Бу ақийда Аллоҳ таолони тўғри маърифат асосида камол сифатлари билан сифатлашга асослангандир.

Ана шу сифатлардан бири Аллоҳнинг илми, унинг чегарасизлиги, Аллоҳ иродасининг шомиллиги ва қудратининг комиллигидир. Қазо ва қадар ақийдаси Аллоҳнинг ана шу сифатларига асосланган ақийдадир. Шунинг учун ҳам қазои қадарга иймон бўлмаса, Аллоҳга бўлган иймон тугал бўлмайди.

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билади. Уяси ичида ғимирлаётган чумолидан тортиб, ўз фалакида ҳаракат қилаётган сайёраларгача билади. У Зотнинг илмидан ҳеч нарса ғойиб бўлмайди. Аллоҳ таоло дунёдаги ҳар бир заррани ва унинг ҳаракатини ҳам билиб туради.

Шунингдек, Аллоҳ таоло қиёматгача нима бўлишини ҳам билади. Агар бу нарсаларни билмаса, У Зотнинг сифати камолиясига нуқсон етган бўлади. Ана шу илоҳий илм «қазои қадар» деб аталади. Бунда жоҳил кишилар ўйлаганидек, Аллоҳ томонидан бандани мажбур қилиш йўқ. Балки Аллоҳ таоло томонидан банда нима қилишини олдиндан билиш бор. Чунки Аллоҳнинг илми чегара билмасдир.

Уламоларимиз бу тушунчани осон фаҳмлаш учун қуйидаги мисолни келтирадилар: Кайфиятингиз ёмон бўлиб турган пайтда ойнага қарадингиз. Аксингизни қовоғингиз солиқ, пешонангиз тиришган, аччиғингиз чиққан ҳолда кўрдингиз. Ана шунда ойнадан ўпкалашга ҳаққингиз борми? Бу ойна менга жабр қилди, мени ёмон кайфиятга туширди, дея оласизми? Албатта, йўқ. Ойна сиздаги бор нарсани ўзингизга кўрсатди, холос. Қовоғингизнинг солинишига, пешонангизнинг тиришишига ва аччиғингиз чиқишига унинг ҳеч қандай дахли йўқ. Қазои қадар ҳам шундай! У Аллоҳнинг ўз азалий илми билан бандаларнинг ишини билиши, холос.

Яна бошқа бир мисол: Устоз ўз шогирдларининг илмий савиясини яхши билади, дейлик. Имтиҳон саволларини ёзган пайтда, фалончи «аъло», пистончи «яхши» баҳо олади, деб айтди. Имтиҳон натижаси устоз

